Умрим бўйи бой бўлиш йўлларини излаб тополмай, охир, «такдиримда бойлик ёзилмагон экан» деб юрган эдимки, тўйкусдан ўктабр ўзгариши вокеъ бўлуб, болшевиклар хукм сура бошладилар. Кўб вакт ўтмадиким, булар турли газета ва китоблар чикариб, халкни болшевикликка ташвик эта бошладилар. Бошка ёкдан, эшонларимизга ўхшаш: «Дунё харом, пул бекор, бойлар золим, конхўр!» деб бойнамоларимизни эзишга тутиндилар...

Караб турсам, маслакдошларимдан тузук-тузук обрўли кишилар «холо сўзингиз хак» деб болшевикликка ёзилиб учига чикиб кетдилар. Зотан, ман ўзим бой бўлмок йўлини тополмай, гаранг бўлиб юрган эмасми, Тангрининг мени бой килмаганига шукрлар килдим. Чунки бу кун агар мен хам бой бўлсам эди, бу кунги бойнамолар каторида бор-йўгимдан айрилиб, турмаларда камалиб, канча азоблар кўрган бўлур эдим.

Окибат, мен хам хеч ким билан кенгашмасдан, истихора килмасдан, тезгина болшевик бўлиб олдим. Шуни хам билмок керакким, мен зохиран болшевик бўлган бўлсам хам, ота-бобомдан мерос бўлиб келган кўнглимда «кан-накши фил-хажар» (тошга ўйилган накш) каби ўлтириб колгон хисларим ўз жойида баркарор эди.

Сўзнинг кискаси, мен хам масъул ишчилар каторида масъулиятлик бир ишга кириб кетдим. Ойлар ўтди, йиллар ўтди. Мен букун-эрталарда окча бекор бўладир, бойлар йўк бўлиб, барчамиз камбагал холатида рохатда яшармиз деб юрсам хам, лекин бул сабил колгур пул билъакс кўпая берди. Тухумига кирон келгур бойлар хам йўк бўлмадилар, балки бирлари минг, минглари миллиюн, миллиюнлари миллиардларга етиб, Корундек муллаларнинг хисобини билмай-тургон бўлдим.

Маслакдош мусулмон, болшевик ўртокларимнинг баъзилари холига диккат билан карасам, зохиран булар хам мен билан баробар ойлик оладурлар. Лекин хакикатдан димоглари чок, бош-оёк кийимлари «золим Николай»нинг генеролларида хам йўк...Ишларига кўз солсам: далага хар бир овга чикканларида «музаффар ва мансур» бўлиб кай-тиб келарлар. Сўнгра ўзлари истаган хотин-кизларини миллиардларча сўм харажот билан тўй килиб олиб, кайф-сафо этарлар. Болшевик закунида ичкилик харом бўлса-да, булар хийлаи шаръий топиб, сув ўрнида коняк ичарлар.

Бу ишлар мени хайратга солди. Бой бўлмок савдоси яна бошимга тушди. Бир дўстимнинг кенгаши билан дўкон очдим, аммо сармоядан асар, савдодан давлат йўк. Баъзан кунлик

нон ва чойни «харифона» тарикаси билан топиб ўтказаман...Натижада, яна очлик, яна ялангочлик.

Окибат, ўйлаб топдимки, бу тўгрида айб ўзимда экан, мунча очлик, мунча ялангочлигимга, бу кадар бахтсиз ва толесизлигимга ўзим сабаб бўлгон эканман. Чунончи, мен болшевик бўлиб туриб баъзи болшевик ўртокларимдек халк номидан закот олишни ўзимга вазифа этмабман.

Хар ким бой бўлишни истаса, виждон билан алока киддингми, бойлик сендан алокасини узиши аникдир, бу нарса менга узок тарбиялардан кейин сабок бўлди.

Ботурбек

Кўб вакт бир кишига ёки бир неча кишига каратиб айтилган «Таёк» ўзини тўгри хисоблаб юрган кишиларга хам тегиб кетадир. Меним бу таёгим тўгрининг бошидан сакраб ўтуб, эгрининг бошини ёрадир.

«Зарафшон» газетаси, 1922 йил, 3 ноябрь